

ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.




# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2009-yil ● 29-oktabr ● Payshanba ● 127 (30.087) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари



**Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилишидаги роли, нуфузи ҳамда мавқеини ошириш мақсадида изчил, босқичма-босқич ўтказилаётган ислохотлар натижасида кўппартиявийлик тизими вужудга келди ва такомиллашмоқда.**

## «СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА»

Зеро, Конституциямизда кўппартиявийлик тизimini шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Натижада, 1994, 1999, 2004 йиллардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилди. Кўппартиявийлик принципи Олий Мажлис ва халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятига жорий этилди. Сиёсий партияларнинг парламент кўйи палатасидаги фракциялари орқали партиялар қонунилари ишлаб чиқишга таъсир кўрсатиб, шу тарика давлат бошқарувига муносиб ҳисса қўшиши таъминланди. Таъкидлаш жоизки, амалга оширилган ислохотларнинг ҳуқуқий негизини ташкил қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» (2002 йил), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» (2002 йил), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» (2002 йил), «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» (2007 йил) Конституциявий қонунлар, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» (янги таҳрири, 2003 йил), «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида» (2004 йил), «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари

тўғрисида» (2007 йил), «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида» (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) (2007 йил), «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» (2008 йил) қонунлар қабул қилинди. Айниқса, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» (янги таҳрири, 2003 йил), «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида» (2004 йил), «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари

тўғрисида» (2007 йил), «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида» (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) (2007 йил), «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» (2008 йил) қонунлар қабул қилинди. Айниқса, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» (янги таҳрири, 2003 йил), «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида» (2004 йил), «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари

(Давоми 2-бетда)

## Фракция фаолияти

# АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА БАНДЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАСТУРИДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН УСТУВОР МАСАЛАЛАРДАН БИРИДИР. ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИНИНГ МАЖЛИСИДА ДЕПУТАТЛАР 2010 ЙИЛДА ИШ ҲАМДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИНИ АНА ШУ НУҚТАИ НАЗАРДАН МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ДАВОМ ЭТАЁТГАН, ДУНЁНИНГ КўПГИНА МАМЛАКАТЛАРИДА ИШ ҲАМДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИНИНГ ОРИШИ КЕСКИН ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАЁТГАН БИР ШАРОИТДА МАМЛАКАТИМИЗДА БУНДАЙ ҲУЖЖАТНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ МУҲИМ ИЖТИМОЙ, СИЁСИЙ АҲАМИЯТГА ЭГАДИР.

Фракция мажлисида ушбу масала юзасидан Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Ботир Алимҳаммадов маъруза қилди.



— Мазкур Дастур Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 сентябрдаги фармойишига асосан ишлаб чиқилган, — деди у. — Бундан мақсад — аҳолининг бандлиги, турмуш даражаси ва даромадлари ўсишини таъминлаш, меҳнат бозорида иш қўйишга бўлган талабни ошириш бўйича ҳудудлар ҳамда



иқтисодий тармоқларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликларининг иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш масалаларини амалий ҳал қилиш борасидаги масъулиятини кучайтиришдан иборат. У Инқирозга қарши чоралар Дастури билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Дастурни бажаришнинг аниқ манбалари белгиланган. Давлат бюджети, тармоқлар, инвестиция, Ўзбеки-



тон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш, Иш билан таъминлашга қўмаклашиш Дав-

лат жамғармаси ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратиш назарда тутилмоқда.

Дастурда 2010 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлашнинг тармоқлар ва ҳудудлар бўйича прогноз параметрлари ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар назарда тутилмоқда. Келаётган йилда 950 мингта ёки 2009 йилда қўйилган кўрсаткичдан 18 мингта кўп иш ўрни ташкил этиш бўйича вазифалар белгиланган.

(Давоми 2-бетда)



## Ўз мухбирларимиз хабар қилади

### БУХОРО ШИФЕРЛАРИ

«Бухоро темир-бетон буюмлари заводи» ҳиссадорлик жамияти бундан беш йил илгари молиявий жиҳатдан ночор ҳолга тушиб қолганди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкнинг айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жаддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра завод тендер савдоси орқали инвесторлар тасарруфига ўтди. Унинг бир қисмида «Бухоро темир-бетон» масъулияти чекланган жамият иш бошлади. Ҳозир жамиятда кунига 500 донна шифер тайёрланапти. Лойиҳа қувватига эришилса, — дейди МҲЖ раиси Сайфиддин Нажмиддинов, — бу кўрсаткич кунига мингтага етади. Шу тариқа вилоят қурилиш материаллари бозорига йилга 300 минг дондан зиёдроқ томёғич етказиб берамиз. Яна бир жиҳати: 60 нафар киши ишлаётган мазкур корхонада ўн саккиз турдаги бинокорлик материаллари тайёрланапти.

Даврон БАҲРОНОВ

Пойтахтимизда алоқа тарихи музейи очилди. Замонавий уч қаватли бинога жойлашган музейдан 400 дан ортиқ ранг-баранг экспонатлар ўрин олган. Бинонинг биринчи қаватида мутасаддислар, олимлар ва музейга ташир қилинган турли мавзуда тадбирлар ўтказишлари учун кенг зал ажратилган.

### АЛОҚА ТАРИХИ МУЗЕЙИ

Мамлакатимиз телекоммуникация соҳасининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини ўзида акс эттирган экспозициялар — қимматли тарихий буюмлар, техник жиҳозлар, ускуна ва воситалар музей коллекциясини бойитиб турибди. Темурийлар давридан токи бугунги кунгача почта хизмати тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи «Ўзбекистон почтаси» стенди ташкил қилинган. Бир неча

Умидо МАНСУРОВА

## МУХЛИСЛАРИМИЗ ОРЗУСИ Футбол

Яқинда футбол бўйича Миср яшил майдонларида ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Гана футболчилари бош совринни қўлга киритишди. Бразилия ва Венгрия вакиллари кейинги фахрли ўринларни эгалладилар. Мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг энг кучли йигирма туртта терма жамоаси қаторида ёшларимиз қатнашгани футболимиз ютуқларидан бири бўлди, албатта. Афсуски, мусобақанинг «Д» гуруҳида Гана, Уругвай ҳамда Англия футболчиларига қарши тўп сурган ёшларимиз уч учрашувда атиги бир очко жамғаришди. Бу ҳолат кишини беихтиёр ўйга толдиради. Хулосалар чиқаришга ундайди.



Ҳўш, Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг жаҳон чемпионатида бундай муваффақиятсиз натижага эришишига нима сабаб бўлди? Нега мухлислар ишончи оқланмади? Бу ҳақда айрим мутахассис, мураббий, футболчи ҳамда ишқибозларнинг фикри билан қизиқдик.

(Давоми 4-бетда)

ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН ҚИШЛОҚ **2**

«СОҒЛОМ ОИЛА — ФАРОВОН ЯШАЙДИ...» **3**

ХАЛҚНИНГ РУҲИНИ КЎТАРАДИГАН ҲАҚ... **4**

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI  
Хизматлар лицензияланган



# «СОҒЛОМ ОИЛА — ФАРОВОН ЯШАЙДИ...»

дейди олий тоифали шифокор Робия Рўзиева



## Тиббиёт масканларида

Мамлакатимизда халқ соғлиғини, жумладан, қишлоқ аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш учун тиббий муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда, тизим малакали мутахассислар билан таъминланяпти. Ай-

ниқса, бу борада туманлардаги қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Пайариқ тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли «Ўзбекистон» қишлоқ врачлик

пункти ҳудуддаги 6311 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Бугунги кунда одамлар замонавий тиббий асбоб-ускуналар, малакали мутахассиснинг тиббий хизмати билан фойдаланишга ҳаракат қилади.

— Қишлоқ врачлик пунктимизда 3 нафар умум-амалиёти шифокори, 10 нафар малакали ҳамшира аҳолига тиббий хизмат кўрсатади, — дейди «Ўзбекистон» ҚВП мудири, олий тоифали врач Робия Рўзиева. — 2007 йилда «Саломатлик-II» дастури асосида масканимиз лаборатория анжомлари, фотоэлектрон канометр, микроскоп, дистиллятор, автоклаф, ЭКГ аппарати билан таъминланди, мебеллар билан тўлиқ жиҳозланди. Шунинг таъкидлаш керакки, аҳоли сўғломлигини муҳофазалашда оила шифокорининг асосий мақсади саломатликни тиклашдан кўра уни асрашга қаратилади. Умум-амалиёти шифокорларимиз ҳудудимиздаги хонадонларда бўлиб, оила аъзоларининг тиббий савиясини ошириш учун соғлом турмуш тарзини тарғиб этаёпти. Натижада аҳоли орасида ҳар хил юқумли касалликлар, қаққонлик каби хасталикларга чалиниш ҳолатлари сезиларли даражада камайди. Мақсадимиз — аҳолига замонавий малакали тиббий хизмат кўрсатиш. Зеро, соғлом оила фаровон ҳаёт кечи-ради.

Саида САЙХУН,  
«Ўзбекистон овози»  
муҳбири.  
Шавкат АКРАМОВ  
олган сурат.

## Шарҳловчи минбари

«Толибон» ҳаракати жангарилари 28 октябрь куни эрта тонгда БМТнинг Афғонистон пойтахти Кобул шаҳридаги ваколатхонаси ходимлари яшаб турган меҳмонхонага ҳужум қилди. Бунинг оқибатида 13 киши, жумладан, ташкилотнинг олти ходими ҳалок бўлди.

мўлжалланган Афғонистон президенти сайловининг иккинчи босқичи ўтказилишига тўсқинлик қилиш мақсадида амалга оширилган.

Маълумки, «Толибон» сайловга қарши эканини яширмай келади. Ҳатто одамлардан овоз бериш жараёнида қатнашишдан бош тортишни талаб қилади ва хунрезликлар билан

# КОБУЛДАГИ ХУНРЕЗЛИК

Оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга қараганда, дастлаб бино ёнида кучли портлаш содир этилган ва меҳмонхонада ёнгин чикан. Кейин террорчилар меҳмонхона кўриқчиларини ўққа тутиб, бинога бостириб кирган ва бир неча кишини гаровга олган. Яхшики, меҳмонхонада яшовчиларнинг кўпчилиги деразадан сакраб, кўпорувчилардан қочишга улгурган.

Тез орада меҳмонхона ни ҳарбийлар қуршовга олди. Воқеа жойига зирхли техника келтирилди. Гаровдагиларни озод қилиш учун бинони штурм билан кўлга олишга қарор қилинди. БМТ вакили Эдвардс журналистларга яна тўққиз ходим яраланганини хабар қилди.

Афғонистон ички ишлар вазирлиги эълон қилган маълумотга кўра, гаровдагиларни озод қилиш чоғида рўй берган отишмада

уч нафар террорчи ўлдирилган. Шунингдек, икки жангари кўлга олинган.

28 октябрь хунрезлиги шу билан тугади. БМТ меҳмонхонасига уюштирилган ҳужумдан кейин бир неча соат ўтиб, Афғонистон президенти қароргоҳи яқинидаги асосан чет элликлар яшайдиган «Серена» меҳмонхонаси ракеталар билан ўққа тутилди. Бу ерда фақат бахтли тасодиф туфайли ҳеч кимга зарар етмади — бинога урилган биринчи ракета портламай қолди ва меҳмонхонага шикаст етказди, холос. Меҳмонхонадагилар зудлик билан бино остидидаги бункерга кўчирилди.

Ушбу икки террорчилик ҳаракати учун жавобгарликни «Толибон» ҳаракати ўз зиммасига олди. Ҳаракат вакилларининг ўзлари хорижий оммавий ахборот воситаларининг Кобулдаги ваколатхоналарига бу ҳақда хабар берди. Уларнинг таъкидлашича, ушбу икки тажовуз 7 ноябрга

саросимага солишга уринади. Хусусан, шу йил 8 октябрь куни Кобулдаги бир элчихона ёнида рўй берган портлаш 17 кишини ҳаётдан олиб кетди. 17 сентябрда эса шаҳарнинг гавжум кўчаларидан биридаги портлаш натижасида олти нафар хорижлик ҳарбий ҳалок бўлди.

Дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар Афғонистондаги хунрезликни кескин қоралаб, мамлакатдаги вазият кескинлашганидан ташвиш билдирмоқда. Афғонистон президент сайловининг иккинчи босқичига тайёргарлик кўраётган ва БМТ бу жараёнда жуда фал қатнашмоқда эди. Шу муносабат билан ташкилотнинг Афғонистондаги раҳбарлари Кай Эйде баёнот бериб, террорчиларнинг тажовузи халқаро миссияни бажаришда БМТ йўлига гов бўла олмаслигини алоҳида таъкидлади.

Анвар БОБОЕВ,  
ЎЗА Шарҳловчиси

## ЯРИМ МИЛЛАРД ФУНТ СТЕРЛИНГ

### зарар кўрди

Британия почталарини жорий йилнинг ёздан бери бир неча марта иш ташлаш ўтказилди. Ушбу иш ташлашлар натижасида, дейилади «The Daily Telegraph» газетаси тарқатган хабарда Буюк Британия иқтисодий ярим миллиард фунт стерлинг (815,8 миллион доллар) миқдорда зарар кўрди. Британия савдо-саноат палатаси ҳисоб-китобига, почталарнинг охириги иш ташлаши (22-23 октябрь кунлари) натижасида иқтисодий 200 миллион фунт стерлинг зарар кўрди.

Ушбу охириги иш ташлашда Британия қироллиги почта хизмати — «Royal Mail»нинг 120 мингдан ортиқ хизматчиси иштирок этди.

Маошлар камлиги, иш шароитининг оғирлиги, яқин кунларда иш ўринларининг қисқартирилиши мазкур иш ташлашларга сабаб бўлди. Аслида иш ташлашлар 2007 йилдан бери вақти-вақти билан ўтказиб келинмоқда. Аммо «Royal Mail» почта хизмати намойишчилар талабларини рад этмоқда.



«Royal Mail» раҳбарияти жорий йилнинг февралда 170 минг кишилик почта хизмати «армия»сидан 16 мингини қисқартиришни мўлжаллаётганини эълон қилган эди. Бундан ташқари, инқироз боис харажатларни камайтириш ва бу маошлар камайтиришни ҳам назарда тутишни маълум қилган.

Буюк Британиянинг «Royal Mail» миллий почта хизмати 1660 йилда ташкил топган. У кунига 85 миллиондан ортиқ почта жўнатмаларини манзилига етказди.

## Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2010 йилда қурилиш режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича **ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1	Қўшрабод тумани, Урганчи қишлоғида Хизмат йўналишидаги 435 ўқувчи ўринли касб-хунар коллежи қурилиши	2 797 163 971 сўм	2 330 969 976 сўм	9 ой
2	Нуробод тумани, Улус қишлоғида Иқтисодий ва сервис йўналишидаги 615 ўқувчи ўринли касб-хунар коллежи қурилиши	3 462 678 041 сўм	2 885 565 059 сўм	9 ой
3	Оқдарё туманида Иқтисодий йўналишидаги 585 ўқувчи ўринли касб-хунар коллежини реконструкция қилиш	2 723 326 071 сўм	2 269 438 393 сўм	9 ой
<b>ЛОТ 1-3:</b>				
Лот-1	Самарқанд шаҳридаги Педагогика йўналишидаги касб-хунар коллежига 200 ўринли ётоқхона қурилиши	1 479 847 752	1 233 206 459 сўм	7 ой
Лот-2	Каттақўрғон тумани, Пайшанба марказидаги Компьютер технологиялари йўналишидаги касб-хунар коллежига 50 ўринли ётоқхона қурилиши	553 756 921 сўм	461 464 101 сўм	6 ой
Лот-3	Пахтачи тумани марказидаги Педагогика йўналишидаги касб-хунар коллежига 50 ўринли ётоқхона қурилиши	581 378 546 сўм	484 482 121 сўм	6 ой
<b>ЛОТ 1-2:</b>				
Лот-1	Самарқанд шаҳридаги Сибб Педагогика йўналишидаги касб-хунар коллежига 200 ўринли ётоқхона қурилиши	1 332 777 908 сўм	1 110 648 257 сўм	7 ой
Лот-2	Самарқанд шаҳридаги Олимпия захиралари йўналишидаги касб-хунар коллежига 100 ўринли ётоқхона қурилиши	942 755 368 сўм	785 629 474 сўм	7 ой
<b>ЛОТ 1-2:</b>				
Лот-1	Иштихон тумани марказидаги Тиббиёт йўналишидаги касб-хунар коллежига 200 ўринли ётоқхона қурилиши	1 333 577 987 сўм	1 111 314 989 сўм	7 ой
Лот-2	Самарқанд шаҳридаги Информатсия технологиялари йўналишидаги касб-хунар коллежига 100 ўринли ётоқхона қурилиши	901 581 705 сўм	751 318 164 сўм	7 ой
<b>ЛОТ 1-3:</b>				
Лот-1	Самарқанд шаҳридаги Санъат йўналишидаги касб-хунар коллежига 100 ўринли ётоқхона қурилиши	1 049 607 728 сўм	874 673 106 сўм	7 ой
Лот-2	Пастдарғом тумани марказидаги Тиббиёт йўналишидаги касб-хунар коллежига 100 ўринли ётоқхона қурилиши	808 997 508 сўм	674 164 590 сўм	7 ой
Лот-3	Пайариқ тумани марказидаги Компьютер технологиялари йўналишидаги касб-хунар коллежига 100 ўринли ётоқхона қурилиши	873 152 155 сўм	727 626 796 сўм	7 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Самарқанд шаҳри, Кўк-сарой майдони, 1-уй, телефон: (8-366) 235-82-86.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридида айланма маблағнинг ёки курсатиб ўтилган маблағни беришга банк қолдонмоси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган

меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонуни ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб берилмаган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига

эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Самарқанд шаҳри, Кўк-сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

**Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламини қиймати — 70 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соатига.

Таклифлар (оферталар) очилиш матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да ўтказилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ**

**миллий валютадаги янги муддатли банк  
омонатлари амалга киритилганини маълум қилади**

**«ИСТЕЪДОД»**

- ◆ сақлаш муддати — 3 ой;
- ◆ фоиз ставкаси — йиллик 26%;
- ◆ фоизлар омонат муддати тугагандан кейин тўланади;
- ◆ омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- ◆ биринчи бадал миқдори чекланмаган.

**«НАФОСАТ»**

- сақлаш муддати — 6 ой;
- фоиз ставкаси — йиллик 25%;
- фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади;
- биринчи бадал миқдори чекланмаган.

**Омонатларга маблағ қабул қилиш 2009 йилнинг 31 декабригача амалга оширилади.**

**ЎЗ ЖАМҒАРМАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАРИНИНГ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ БИЛАМИЗ!**

**Қўшимча ахборотни 235-42-83, 234-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг ҳар қандай бўлими/филиалидан олиш мумкин.**

[www.nbu.com](http://www.nbu.com)

Аҳмаджон УБАЙДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи:

— Ёшларимизнинг жаҳон чемпионатида қайд этган натижасини кўпчилик танқид қилмоқда. Эътибор берган бўлсангиз, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпионатида иккинчи мартабага қатнашди. Аввало шунга таъкидлаш керакки, футболчиларимизга халқро ўйин тажрибаси етишмади. Бундай мусобақага йиллаб тайёрлик кўриш зарур. Утган йилги Осиё чемпионатида сўнг, бахсларга ҳозирликни бошлагандик. Ўзбекистон футбол федерацияси жаҳон чемпионатида тайёрлик кўриш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилди. Хориж йиғинларида иштирок этдик. Аммо яқунда расман бошқа давлатларнинг ёшлар терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари кам ўтказилганлиги барибир панд берди. Мисол учун, биз Венесуэла, Нигерия давлатларида ёшлар терма жамоалари ўртасида ташкил этиладиган халқро турнирларда қатнашишни режалаштирдик. Аммо айрим сабабларга кўра, бу турнирлар қолдирилди. Шунингдек, паравайлик футболчилар билан ўртоқлик учрашуви ўтказишни мўлжаллагандик. Бироқ улар катта пул талаб қилишди. Ёшларимизда ўйин амалиётининг камлиги жаҳон чемпионатида ижобий натижага эришишимизга тўсқинлик қилди. Етакчи ўйинчиларимиз Мурод Холмухамедов, Исрол Тўхтажўраев, Шерзод Аъзамов узок муддат жараҳатларини даволатиш билан овора бўлганликлари учун чемпионатга пухта тайёрлик кўришолмади. Шунингдек, моҳир ярим ҳимоячимиз Фозил Мусаевнинг жаҳон чемпионати арафасида жиддий жараҳат олганлиги ҳам жамоамиз таркибида етарлича муаммони юзага келтирди. Яна бир жиҳати, футболчиларимизнинг ички чемпионат бахсларида ўз жамоаларининг захира ўринидигани михлиб қолганликлари биз учун жуда қимматга тушди. Рақибларимиз Гана ва Уругвай терма жамоалари таркибидеги аксарият футболчилар эса Европанинг етакчи футбол клублари шарафини ҳимоя қилишди. Ана шу мисолнинг ўзидеги уларнинг нималарга қодирликларидан дарак бериб турибди. Аксига олиб мамлакатимиз

ички чемпионати савияси ҳам паст. Олий лига пещқадими «Бунёдкор» ва охириги ўринда бораётган «Бухоро» жамоаларининг жамагарган очколари ўртасида фарқ 54(!) тани ташкил этиб турганлиги ҳам фикрим тасдиғидир. Футболчиларимиз жисмоний тайёргарлигига кўпроқ маҳаллий клубларимиз масъул бўлишари лозим. Аммо бунга талаблар даражасида эътибор қаратилмади. Бундан ташқари, асосан натижа учун курашадиган мураббийлар йиғирма ёшгача бўлган футболчилари асосий таркибга кириштиришни унчалик истамайди. Агар айрим клубларимизда ўйнаётган легионерлар савиясини футболчиларимиз билан солиштирсан-

Афсуски, сўнгги турда Англия футболчиларини енга олмаганлигимиз роса алам қилди. Энг муҳими, бу мусобақа мен ва жамоадорларим учун ўзига хос тажриба мактаби бўлди. Энди бор эътиборимни ўз устимда янада кўпроқ ишлашга ва маҳоратимни оширишга қаратаман.

**Рустам АКРАМОВ, ФИФА эксперт:** — Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчи тарихида иккинчи бор жаҳон чемпионатида иштирок этди. Бу ҳол мени қувонтирди, албатта. Аммо ёшларимизнинг мусобақадан қайд этган натижаларидан хурсанд бўла олмаимиз. Футболчиларимизга бундай катта мусо-

ҳол. Маҳаллий футбол клубларимизда ёш футболчиларга муносабатни ўзгартирайлик. Келинг, хўжақўрсинга келган легионерлар ўрнига кўпроқ маҳаллий ёшларни майдонга туширайлик, уларнинг маҳорати чарқарсин, тажрибаси ошсин. Бундан факатгина футболчиимиз фойда кўради. Ҳозир мен ёшларимизни танқид қилишдан йироқман. Улар кўлларида келганча ҳаракат қилишди. Энди келажда бундай аҳволга тушмаслик чораларини излаб топишимиз лозим.

**Фарход МАГОМЕДОВ, Профессионал футбол лигаси бош директори:** — Ёшларимиз катталар уддалай олмаган ишни уддалашди. Жаҳон чемпио-

такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бизда ҳам секин-аста профессионал футбол клубларимиз пайдо бўлмоқда. Умуман, ҳадемай клубларимиз ҳамда терма жамоаларимиз халқро майдонларда муҳлисларга манзур бўладиган ўйинлар намоиш этишари. Бунинг учун эса мамлакатимизда имкониятлар етарли.

**Ўктам УЗОҚОВ, «Насаф» ишқибозлар клуби раҳбари:** — Илк мартаба жаҳон чемпионатида стадионда туриб ўз жамоамизни кўллаб-қувватлашга муваффақ бўлдик. Бундай кўлайлиқни яратиб бергани учун аввало, Ўзбекистон футбол федерацияси, «Насаф» профессионал

тижаси ҳамда уларнинг жаҳон чемпионатида хорижда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинлари орқали хозирлик кўрганлигини ҳисобга олиб, камиде гуруҳдан чиқариларига умид қилгандим. Агарда ёшлар терма жамоаси мусобақага кўнгилдагидек тайёргарлик кўрганида бу вазифани бемалобат ўтказиш мумкин эди. Бундай дейишимиз сабаб бизда терма жамоа жаҳон чемпионатида махсус дастур асосида жиддий тайёрланмаганлиги бўлди. Тўғри, ёшларимиз Германия, Испания, Англия ва Австрия сингари давлатларда ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этишди. Аммо йиғинлар давомида клубларнинг ўринбосарларига

ҳим учрашувлар олдиан ўз футболчиларини яшга ҳаракат қилади. Бевосита терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатидаги иштирокини стадионда туриб кузатиш бахтига мушарраф бўлганимдан хурсандман. Ҳар бир учрашув олдиан ва ўйиндан кейин терма жамоалар мураббийлари иштирокидаги матбуот анжуманларида қатнашдим. Уларнинг футболчиларимиз ҳақидаги фикрлари билан қизиқдим. Шунга амин бўлдимки, рақибларимиз футболчиларимизнинг жаҳон чемпионатида хозирлигини биздан ҳам кўра яхшироқ ўрганишган экан. Жумладан, Уругвай ёшлар терма жамоаси бош мураббийи футболчиларимиздан чўчиётганлигини, вакилларимизнинг устун ва ожиз жиҳатларини очикчасига айтди. Ўйиндан кейин уругвайлик эллик ёшлардаги ҳамкасбимнинг берган саволи ҳам диққатимни тортди. У биздан «Утган йили Осиё чемпионатида қатнашган жамоангиз қани?», деб сўради. Миср майдонларида ўйнаётган футболчиларнинг барчаси Осиё чемпионатида иштирок этган десак, «Унда терма жамоангиз жаҳон чемпионатида хозирлик кўрмисиз», деди. Демак, бундан кўришиб турибдики, ёшларимизнинг бу нуфузли мусобақага хозирлиги қониқарли бўлмаган. Албатта, Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг жаҳон чемпионатида қайд этган натижасидан фожиа ясаб ярамайди. Аслида дунёнинг энг кучли йиғирма тўрт терма жамоаси қаторидан жой олишнинг ўзи ҳам шараф. Ҳаёт эса давом этмоқда. Олдинда ёшларимизни 2012 йили Лондонда бўладиган навбатдаги ёзги Олимпия ўйинлари саралаш бахслари кутиб турибди. Ана шу йирик мусобақага тайёргарликни бугундан бошлаш керак. Жаҳон чемпионатида йўл кўйилган хато ва камчиликлар таҳлил қилиниш ҳамда керакли хулосалар чиқарилиши лозим. Тўғри, ёшлар терма жамоасида тўп сурган футболчиларимизнинг ҳаммаси ҳам эртага олимпиячилар сифидан жой ололмас, лекин уларни маҳоратли қилиб тарбиялаш, жамоа ўзагини сақлаб қолиш зарур, деб ўйлайман. Майли вақти келиб, футболчиларимиз чемпионликни қўлга киритмас, аммо муҳлисларни қувонтирадиган мазмунли ва ҳужумкор ўйин намоиш этишсин.

**Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**

# МУҲЛИСЛАРИМИЗ ОРЗУСИ

гиз, уларнинг ўрнига ёшлар терма жамоаси аъзосини майдонга чиқариш фойдадан холи эмаслигига амин бўласиз. Бир сўз билан айтганда, ёшлар терма жамоаси аъзоларининг фаолияти ва келажига нафақат бош мураббий, балки маҳаллий клублардаги ҳар бир футбол мутахассиси ўзини масъул деб билмоғи лозим. Умид қиламанки, йўл кўйилган хато ва камчиликлардан албатта хулосалар чиқарилади.

**Шерзод КАРИМОВ, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сардори:** — Жаҳон чемпионатида камида чорак финалгача етиб боришни кўзлагандик. Аммо гуруҳ бахсларида атиги бир очко тўпладик, холос. Мусобақада энг кучли гуруҳдан жой олганимиз мақсади мизга эришишга тўғноқ бўлди. Кутилмаганда жаҳон чемпионати арафасида жамоадоримиз Фозил Мусаевнинг жараҳат олганлиги ҳам ўйинларимизга жиддий таъсир қилди. Рақибларимиз анча номдор ва кутганмиздан ҳам тажрибалироқ чиқиб қолди. Аслида жаҳон чемпионатида қатнашганлигимизнинг ўзи биз учун катта ютуқ. Агар ҳақамлар менга нисбатан каттик-кўллик қилмаганида гуруҳдаги охириги ўйинда жамоадорларимга яқиндан ёрдам берган бўлардим.

бақалар тажрибаси етишмади. Осиё эмас, жаҳон чемпионатининг финал босқичи бахсларида кўпроқ қатнашиш керак. Халқро тажрибанинг камлиги, руҳий босимни енга олмаслик қониқарсиз иштирок сабаб бўлди. Футболчиларимиздан халқро майдонда ижобий натижалар куттиш учун пойдеворни мустаҳкамлаш керак. Бунинг учун эса миллий чемпионатга эътиборни кучайтирайлик. Футбол инфратузилмасини такомиллаштирмай туриб, куттилган натижага эришиб бўлмайди. Мамлакатимизда талабчан ва қаттиққўл мураббийларни кўпайтириш зарур. Айрим жамоаларнинг машғулотларини кузатиб ҳайрон қоламиз. Олдин, кундалик машғулотлардан нарига ўтишмайди. Ўз вақтида футболчиларга «нагузқа» ҳам бериш лозим. Уйинчиларни жуда айимиз, машғулотлардан ҳеч қандай энергия сарфламай қичиб кетишди. Сал иссиқ бўлса, машғулотлар ўтказмаймиз. Баъзан турли баҳоналарни рўқча қиламиз. Ҳеч бир давлатда биздагидек, футболни ривожлантириш бўйича ҳукумат томонидан қарорлар чиқарилмаган. Бу қадам катта гамўлирик кўрсатилмаган бўлса керак. Бизда рақобатбардор жамоалар, хорижлик тажрибали мураббийлар кўпаймас экан, юксак натижаларни куттиш амри ма-



натижа иштирок этишди. Шунинг ўзи алоҳида таҳсинга лойиқ. Улар қайд этган натижа эса алоҳида мавзу. Бунинг бош сабабини аввало ички чемпионатимиздан қидириш даркор. Маҳаллий чемпионатимиз савиясини оширмадан, клубларимизни кучайтирмасдан туриб халқро майдонларда ижобий натижаларга эришиб бўлмайди. Бугун юртимизда малакали мураббийлар, тажрибали ҳакамларга эҳтиёж сезилмоқда. Агар миллий чемпионатимизда «Бунёдкор», «Пахтакор» ҳамда «Насаф»га ўхшаган яна тўрт-бешта жамоа бўлганида, бугун бу аҳволга тушиб ўтирмасдик. Юртимизда Профессионал футбол лигасига асос солинганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бугун давр жойларда футбол инфратузилмасини шакллантириш ва

футбол клуби раҳбариятига ўз миннатдорчилигини билдираман. Жаҳон чемпионатида ёшларимизнинг совриндор бўлмасида, галаба қозонишларига ишонгандик. Аммо футболчиларимиз билан бир гуруҳдан жой олган жамоалар анча кучли ва тажрибали экан. Аслида жаҳон чемпионатида кўнсузлар қатнашмайди. Гарчи, ёшларимиз қониқарсиз натижага эришган бўлсалар-да, уларнинг эртанги кунига ишонч билан қарашда давом этишимиз лозим.

**Давлат ТУРДИАЛИЕВ, Ўзбекистон телевидениеси футбол шарҳловчиси:** — Албатта, Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг жаҳон чемпионатида голиб ёки совриндор бўлишни кутмагандим. Лекин футболчиларимизнинг Осиё чемпионатида эришган на-

қарши ўтказилган ўртоқлик учрашувларида майдонга тушишдан нарига ўтилмади. Агар ана шу даврда ўша мамлакатларнинг расмий ёшлар терма жамоалари билан куч синачишганида балки яқунда вазият бошқача бўлиши мумкин эди. Афсуски, футболчиларимиз фақат жаҳон чемпионатида боргандагина Гана, Уругвай ҳамда Англия ёшлар терма жамоалари билан ўйнади. Ваҳоланки, ёшларимиз бу даражадаги жамоалар билан бунгача бир эмас, кўп мартаба куч синачишлари лозим эди. Тўғри, Испанияда ташкил этилган охириги йиғинда Гондурас, Коста-Рика футболчилари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказилди. Аммо бу вақтда ҳар қандай мураббий қўлидаги карталарни «очиш»га жазм этмайди. Қолаверса, му-

(Давоми. Боши 1-бетда)

## Мулоҳаза

**Футбол — миллионлар ўйини, деб бежиз айтилмайди. Бу спорт тури бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам энг оммавий ўйинлардан бири ҳисобланади. Шу боис Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда футболни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини таъминлайдиган учта муҳим қарор қабул қилинди. Юртимизимиз бу спорт турининг жамиятимизда тўғноқ ўрнини аниқ таърифлаб берди: «ФУТБОЛ СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШГА, ХАЛҚИМИЗ РУҲИНИ КЎТАРИШГА, ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК».**


Тўғри, мамлакатимизда футболни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, кейинги йилларда футболчиларимизнинг моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан қилинаётган ишлар кўпчиликка маълум. Лекин футболчиларимизнинг халқро майдонларда кўрсатаётган натижалари халқимиз руҳини кўтараяпти, ёшларимиз онг-шуурига голиблик руҳини сингдираяпти, деб айта оламизми? Бу саволга жавоб топиш учун футболчиларимизнинг жорий йилдаги айрим натижаларини эсга олайлик.

**17 июнь. Баҳрайн — Ўзбекистон — 1:0.**

Шу мағлубиятдан кейин миллий терма жамоамиз «Жаҳон чемпионати — 2010» мусобақаларига бора олади, деган умидимиз узилди.

**30 сентябрь. Чорак финал жавоб учрашувлари Осиё чемпионатлар лигаси «Похан стилиер» (Жанубий Корея) — «Бунёдкор» — 4:1, «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) — «Пахтакор» — 4:0. ОФК кубоғи. «Саут Чайна» (Гонконг) — «Нефтчи» — 1:0.**

Учала номдор клубимиз ҳам икки ўйин натижасига кўра қитъамизнинг



нуфузли мусобақаларидан қичиб кетишди.

**Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати. Миср. 26 сентябрь. Ўзбекистон — Гана — 1:2. 29 сентябрь. Ўзбекистон — Уругвай — 0:3. 2 октябрь. Ўзбекистон — Англия — 1:1.**

Жаҳон тажрибасидан маълумки, халқро футбол мусобақаларида кўрсатиладиган яхши натижалар, аввало, клублар фаолиятига ва миллий чемпионат савиясига бевосита боғлиқ. Шу

# ХАЛҚНИНГ РУҲИНИ КЎТАРАДИГАН ЎЙИН...

сабабдан Президентимиз Исрол Каримов 1996 йил 4 январь кунини Вазирлар Маҳкамасида футболни янада ривожлантиришга бағишланган мажлисда соҳа тараққиётида муҳим ўрин эгаллайдиган клубларнинг қандай бўлиши кераклиги ҳақида тўхталиб шундай деган эди: «Мамлакатимизда мустақил, бақувват футбол клублари ташкил этишга киришмоқ даркор. Чунки жаҳон футбол тараққиётининг асосини клублар ташкил этади. Клуб дегани эса, ўз-ўзини бошқарадиган, молиявий масалаларини ўзи ҳал этадиган, ўз низомига эга мустақил жамиятдир. Хорижда ҳеч бир давлат биронта клуб учун маблағ ажратмайди, ҳар бир клуб харажатини ўзи қоплайди. Футболчиларга маошини ўзи тўлайди. Футболчи меҳнатига яраша ҳақини олса, ўз ўйини билан халқимизни хурсанд қилади, юрт шалқини улуглайди».

Шу мажлисда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида кўп ўтмай Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорини қабул қилинди ва ҳокимликлар, спорт ташкилотлари, ҳомиёлар сайҳаракатлари билан профессионал клублар тузилди, уларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишларини таъминлаш мақсадида ҳисоб-рақамларига катта миқдорда маблағ кўчирилди. Афсуски, ётиб еганга тоқ чидамас, деганларидек, айрим клублар бор маблағини кўпайтириб, ўзини иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаб олиш ўрнига атрофга кўз тикиб ўтирибди. Яна бир масала кишини ўйга толдиради. Бу — дублёрлар жамоалари.

Уларга ҳам озмунча ҳаракат кетмайди. Дублёрлар ўртасидаги мусобақалар керакмикин, деган савол кўтарилса, бевоота бўлиб, бу эски тартибни ҳимоя қилувчилар оёққа туриши бор ҳақиқат. Чунки, дублёрлар билан ишлайдиган мураббийлар, ҳақамлар ва бошқалар бундан манфаатдор эмас. Агар дублёр жамоалар шунчалик аҳамиятли бўлса, нега Англия, Испания, Италия сингари мамлакатлар чемпионатларида дублёрлар мусобақаси ўтказилмайди? Улардаги ёш футболчилар оталиқ клублари таркибидеги мусобақаларда қатнашади. Ўзини кўрсатган иқтидорли футболчилар асосий таркибга олинади.

Клубда футболчи-ю хизматчи қанча кўп бўлса, унинг харажатлари ҳам шунча ошади. Бундай ҳолат жамоани оғир аҳволга солиб қўйиши табиий. Жорий йилда биринчи лига мусобақасини 18 та клуб бошлагани, айни пайтда улардан 14 таси қолди. Утган йили биринчи лигада йўлланмани қўлга киритган «Дўстлик-2008» клубининг олий лигада иштирок этишни истамаганини нима билан изоҳлаш мумкин? Олдин айтганда, спорт принципи бузилди. Шундай экан биринчи лигаимиз мақомини ҳам жиддий ўйлаб кўриш зарурга ўхшайди.

Олий лига футбол клублари ишини намунали ташкил этиш соҳа тараққиётини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Маълумки, клуб ўзини ўзи маблағ билан қоплаши учун, аввало, футболчилар ҳар бир учрашувда «чиройли» ўйин кўрсатиб, стадионга кўпроқ томошабин келишини таъминлаш лозим. Чунки клуб даромади-

нинг асосий қисмини стадиондаги учрашувларга сотиладиган чипталардан тушадиган маблағ ташкил қилади. (Шу сатрларни ёзаётган вақтимда бир телекўрсатувда «Арсенал» (Лондон) футбол клубининг ўтган мавсумдаги асосий даромади чипталар сотуvidан эканлиги қайд этилди). «Пахтакор», «Бунёдкор», «Насаф» сингари жамоаларнинг ўзаро учрашувларидан ташқари яна қайси футбол клубимиз ўйинларида стадион томошабинга тўлмоқда?

Хуллас, миллий чемпионатимиз савиясини оширадиган ҳар бир жузлий таклифни ўрганиб бориш мақсадида мувофиқдир. Ҳозирги пайтда олий лигада 16 та клуб қатнашади. Уртаямиёна клублар футбол тараққиётига кўпроқ салбий кўрсатади. Балки олий лига клублари сонини камайтириш керакдир? Шунда ўртаямиёна клублар ҳам камаяди. Фақат мурасоси ўйинларда футболчиларимиз иродаси чиникида, онига голиблик руҳи сингари. Зеро, футболчиларимиз онг-шуурида сўнгги дақиқагача галаба учун курашиш шижоати бўлмас экан, уларнинг халқро майдонда муваффақият қозониши учун нимадир етишмай қолаверади.

Демак, футболда эришилган мавжуд натижаларимизни танқидий баҳолаб, хулосалар чиқаришимиз, Президентимиз таъкидлаганидай: «**Биз футболчиларимизнинг янги авлодини тайёрлашимиз ва тарбиялашимиз лозим. Ватанимиз спортининг халқро нуфузини ошириш борасида кўп ишлаганимиз лозим.**»

Асрор МҮМИН, журналист.

**BOSH MUHARRIR:**  
Safar OSTONOV

**TAHRIIR HAY'ATI:**  
Abdulla Oripov  
Latif G'ulomov  
Asliddin Rustamov  
Bobir Alimov  
Sharbat Abdullayeva  
Murodulla Abdullayev  
Ulug'bek Mustafoyev  
Tat'yana Kistanova  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G'afvor Hotamov  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Muslihidin Muhiddinov  
Svetlana Gerasimova  
Andrey Kustov  
Ochilboy Ramatov  
Saidahmad Rahimov

**MUASSIS:**  
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO' LIMLAR:**  
Partiya hayoti 233-10-13  
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55  
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56  
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80  
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

**VILOYAT MUXBIRLARI:**  
Andijonda — 25-32-70  
Buxoroda — 223-06-02  
Gulistonda — 25-46-45  
Jizzaxda — 227-48-35  
Navoiyda — 223-83-73  
Namanganda — 226-43-43  
Nukusda — 222-77-21  
Samarqandda — 35-02-55  
Urganchda — 517-30-58  
Farg'onada — 224-18-78  
Denovda — 8-37641-23-780

**MANZILIMIZ:**  
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.  
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonasi manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Gazeta shehanba, pashaybani va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 949  
8239 nusxada bosildi  
I — Tjorat materiallari  
ISSN 2010-7633  
O'z yakuni — 20.20  
Topshirilgan vaqti — 21.20  
1 2 3 4 5 6 7 8  
Sotuvda erkin narxda